

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 196 (11.257)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УЛКАН ИМКОНИАТЛАРИГА ЭГА

**АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЛДИС ЗАТЛЕРС 5 ОКТЯБРЬ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.**

Ўзбекистонда Латвия билан муносабатларга алоҳида эътибор берилди. Рига ҳам Тошкент билан ҳамкорликни юксак қадрайдди. Бунда икки мамлакатнинг сиёсий соҳада кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлиги муҳим ўрин тутди.

Ислом Каримов хали совет тузуми парчаланмай туриб, Латвиянинг мустақиллик йўлидаги сай-ҳаракатларини, бу мамлакат мустақилликка эришган эса, унинг ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаганини алоҳида қайд этиш жоиз. Латвия 2004 йилнинг январидан НАТОга аъзо бўлганида Ўзбекистон раҳбари ҳам бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз суверенитети ва ҳудудий ахиллигини ҳимоя қилиш учун ўз мудофаа доктринасини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга эканини таъкидлаган. Уша йилнинг май ойида Латвия Европа Иттифоқига аъзо бўлди ва бу Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланди.

Латвия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шерикларидандир. Мамлакатларимиз икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бағрида транзит юк ташини борасида ҳам ишончли ҳамкорлардир. Ўзбекистон ўз маҳсулотларини Фарб давлатларига Латвия бандаргоҳлари орқали экспорт қилади. ЕИ аъзоси сифатида Латвия халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўзини кенгайтириш, Европа бозори имкониятидан тўлиқ фойдаланиш имконига эга. Айни пайтда Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон Латвия учун бутун Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорликни ривожлантиришда

муҳим аҳамиятга эга.

Икки мамлакат ўртасидаги сўнгги олий даражадаги учрашув 2004 йилнинг апрелида Ригада – Президент Ислом Каримовнинг Латвияга давлат ташрифи асносида бўлиб ўтган эди. Энди Латвия Президенти Ўзбекистонга келди. Бу ташриф ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда ҳам томонлама кенгайтиришга икки давлатнинг интилиши муштарак эканидан далолатдир.

Ташриф 6 октябрь куни Дўрмон қароғоҳида Латвия Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими билан бошланди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортди. Икки давлат маҳдумлари янгради. Ислом Каримов ва Валдис Затлерс фахрий қорувул сафи олдида ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яқма-яқма суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Валдис Затлерс Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг бугунги аҳоли ва истикболлари, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ушбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалаларини афрочла тахлил қилиш ва муҳокама этиш учун яқши имконият эканини таъкидлади.

– Ўзаро алоқаларимиз узоқ тарихга эга, – деди Ислом Каримов. – Сизнинг юртимизга ташрифингиз Латвия томонининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иш-

тиёки ва истак-хоҳишининг ёрқин намоёнидир.

Валдис Затлерс Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Латвия томони ушбу ташрифта алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

– Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг нуфузли давлатлардандир, – деди Валдис Затлерс. – Мамлакатларимизни хар доим дўстона алоқалар бир-бирига яқинлаштириб келган.

Президентлар Тошкентдаги олий даражадаги учрашув ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтаришда муҳим босқич бўлишини, бу борада икки мамлакатда орттирилган бой тақриба ҳамкорликка янги суръат бахш этиш ва мазмунини бойитиш учун пухта асос бўлишини таъкидладилар.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Ислом Каримов Афғонистонда фақат харбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмастлигини, аҳолини кулорсилантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш лозимлигини таъкидлади. Ўзбекистон Президенти НАТОнинг Бухарест саммитида илгари сурган таклифини яна бир қарра баён этди: 1997-2001 йилларда БМТ кўмағида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+3» гуруҳига айлантириш зарур.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ – ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Латвия Республикаси Европа қитъасининг шимол-шарқиди, Балтик денгизининг шарқий соҳилида жойлашган. Мамлакат ҳудуди қарийб 64,6 минг квадрат километрга тенг, аҳолиси – 2,27 миллион киши, пойтахти – Рига шаҳри. Миллий байрами – Латвия Республикаси ташкил топган кун (18 ноябрь).**

Латвия – парламент республикаси. Давлат раҳбари президент бўлиб, у мамлакат Сейми (парламенти) томонидан тўрт йил муддатга сайланади.

Латвияни 2007 йил 8 июлидан буён Президент Валдис Затлерс бошқариб келмоқда. Қонунчилик ҳокимияти юз кишидан иборат бир палатали Сеймга тегишли. Ижроия ҳокимиятини эса Президент томонидан тайинланадиган Бош вазир амалга оширади. Хукуматнинг ҳозирги таркиби 2007 йил 20 декабрда Сейм томонидан тасдиқланган бўлиб, амалдаги Бош вазир Иварс Годманис.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йил 3 ноябрь куни ўрнатилган. Уша йилнинг ўзиди Латвиянинг Тошкентдаги, 1995 йили эса мамлакатимизнинг Ригадаги элчихонаси очилди.

(Давоми 2-бетда).

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кун Янгиликлар, воқеалар



### ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҲАР БИР КОРХОНА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ, КЕЛГУСИ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ ЙЎЛИДА, АВВАЛАМБОР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ИНТИЛАДИ.**

Бунинг учун эса цехларни замонавий, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар билан таъминлаш муҳим омил ҳисобланади.

Пойтахтимизда салкам ўн йилдан буён фаолият юритаётган «Метфур-сервис» масъулияти чекланган жамиятининг тадбиркорлари ҳам ички бозоримизни сифатли фурнитурга маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида кейинги йилларда корхона цехларини модернизациялаштиришни босқичма-босқич амалга ошира бориб, 9 ойлик ишлаб чиқариш кўрсаткичини 698 миллион сўмга етказишди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳалар



## Қасқа сатрларда

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги 6-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Устоз – отангдек улуг» мавзусида ўтказилган тадбир Сергели ва Миробод туман маданият ва спорт ишлари бўлими хамда Фафур Фулом номи маданият уйи хамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Мирзо Улугбек туманидаги 35-мактабда ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида гивандликнинг зарарли оқибатларига бағишлаб Республика Қизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улугбек туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган семинар «Чеккиш – умрининг заволи» деб номланди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ўқув курслари, бадий ҳаваскорлик жамоалари аъзолари иштирокида туман маданият ва спорт ишлари бўлими хамкорлигида уюштирилган давра суҳбати «Терроризмнинг муҳиди асорат» деб номланди.

● **УРОЛ** Тансиқбоев уй-музейида ўзбекистонлик ёш рассомлар томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги топшириқлардан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси соҳаларининг жорий йилнинг тўққиз ойи бўйича фаолияти яқунлари муҳокама қилинди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилиши ҳамда мамлакатимизда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Хисобот даврида Комплекс ташкилот ва идоралари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турини кўлайитириш

## ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

ва сифатини яқинлаш орқали экспорт имкониятларини ошириш юзасидан муайян натижаларга эришилди. Маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хоржий инвестицияларни жалб этиш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, молиявий ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида амалий ишлар олиб борилди.

2008 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича жами 1088,45 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати

163,83 фоизни ташкил этди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 136,6 фоизга бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 143,12 миллион АҚШ доллари миқдорда тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл сармояси ўзлаштирилиб, бу борадаги 9 ойлик режа 120 фоизга ушдаланди.

Мажлисида Комплекс таркибидидаги идораларда «Ёшлар йили» Давлат дастури ва бошқа устувор дастурларнинг бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, галдаги вазифалар кўриб чиқилди. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўлайитириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат интерактив хизматлари сонини ва сифатини ошириш ҳамда қишлоқ жойларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари хизматларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тахлил этилиб, келгусида бу йўналишда меъёрий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга, амалдаги

конунчилик талаблари бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бу борада мавжуд камчилик ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида бир қатор вазифалар қўйилди.

Мажлисида ижро интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ҳодимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган семинар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти» мавзусига бағишланди.

● Самарқанд шаҳрида 900 ўринли ҳуқуқшунослик касб-хунар коллежи ўз фаолиятини бошлади. 2 миллиард 600 миллион сўм маблағ эвазига қад ростлаган янги ўқув масканида 200 ўринли ётоқхона, кутубхона, замонавий тарзда жиҳозланган кимё, биология ва компьютер хоналари ўқувчилар хизматида. Ҳозирда мазкур илм масканида 450 нафарга яқин йигит-қиз бешта мутахассислик бўйича таҳсил оляпти.

● Қорақалпоғистондаги «Қозоқдарё» магистрал каналининг бошланғич қисмига сув тақсимлагич иншоотининг қурилиши бошланди. Бир сонияда 75 куб метр сувни ўтказиш қувватига эга бўладиган «Қозоқдарё-обиҳаёт тақсимлагичи»нинг жорий йил охирида фойдаланишга топширилиши режаланган.

● Қўқон шаҳрида «Юнимобайл» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси иш бошлади. Мазкур корхона аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш билан шугулланади. Янги кўшма корхона ишга тушиши билан 35 та иш ўрни очилди.

● Андижон шаҳридаги «Тожиқ» маҳалласида «Андижонавтотеххизмат» акциядорлик компанияси томонидан бунёд этилган автомобилларга хизмат кўрсатиш станцияси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўн киши ўз иш жойларига эга бўлади. Вилоятнинг Олтинқўл туманида ҳам худди шундай станция ўз фаолиятини бошлади.

● Бухоро шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида республика турнири якунланди.

● Нукусдаги Сафар Хўжаниязов номидаги Ёш томошабинлар театри ўзининг ўттинчи мавсумини бошлади.

● Бухоро вилоятида «Когоншифер» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Корхона йилига 2 миллион дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, келгусида унинг маҳсулотлари Қозоғистон, Россия ва Туркманистон давлатларига ҳам экспорт қилинади.

● Навоий аэропортида 60 та йўловчини қабул қилишга мўлжалланган меҳмонхонанинг қурилиши бошланди. Меҳмонхона мажмуасидан ҳаво кемалари экипажининг дам олиши ҳамда борт таомларини тайёрлашга мўлжалланган кетринг ҳам ўрин олган. Ушбу иншоотни тиклаш ишларини «Марказий» ҳамда Зарафшон қурилиш бошқармасининг «Уй-жойқурилиши» қурилиш-монтаж бошқармаларининг бунёдкорлари амалга оширмоқдалар.

## ЖАҲОНДА

● Украина Президенти Виктор Ющенко парламентдан ўрин олган партияларга янги коалицияни шакллантириш учун 7 октябргача берилган муддатни яна бир оз орқага суришга қарор қилди. Таъкидлаш жоизки, қонунга кўра коалицияни ташкил этиш учун берилган 30 кунлик муддат ўтиб кетган бўлса-да Президент Олий Рада ни таркатмади.

● АҚШ вице-президентлигига номзодлар Сара Пэйрин ва Жо Байден ўртасида ўтказилган дебатлар рекорд даражадаги телетомошабинларда қизиқиш уйғотди – уларнинг ўзаро мулоқотларини 69 миллион 998 мингга яқин киши томоша қилди.

● Франциянинг Эвиали шаҳрида жаҳон сиёсатига бағишланган илк конференция ўз ишини бошлади.

● Қирғизистоннинг Ўш вилояти Олой туманида юз берган кучли zilзила оқибатида 72 киши ҳаётдан кўз юмди, 120 та бино вайронга айланди. Шу муносабат билан бугун Қирғизистонда мотам куни эълон қилинди.

● Швеция қироллигининг пойтахти Стокгольм шаҳрида Нобель мукофотининг 107-ҳафталиги бошланди. Ҳафталикнинг дастлабки кунинда аънанавий тарзда физиология ва тиббиёт оламининг Нобель мукофотига лойиқ қўрилган вакиллари-нинг номи эълон қилинди. Бугун физика бўйича Нобель мукофоти совриндорларининг номи маълум қилинади.

● Кеча Венгрия пойтахти Будапешт шаҳри атрофида иккита йўловчи поездининг тўқнашиб кетиши оқибатида тўрт киши ҳалок бўлди, 26 нафар йўловчи оғир даражадаги тан жароҳатларини олди. Темир йўл ҳалокатидан сўнг мамлакатнинг йўловчи ва темир йўл транспорти вазирлари истефо беришди.

● Кеча жаҳон биржаларида ўтказилган савдолар натижасида нефть нархининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Хусусан Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтининг нархи 84,25, Нью-Йоркда эса 87,81 доллар даражасида қайд этилди.

● Кеча Шри-Ланканинг Аннурадхапура шаҳрида террорчининг ўзини ўзи портлатиб юборганлиги оқибатида 22 киши ҳалок бўлди. Ҳозирча ушбу террорчилик ҳаракати учун жавобгарликни ҳеч қайси ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ.



# Маҳалла — ота-онани

Маслаҳатчи минбари

## Ёшлар тарбиясига масъулмиз



— Маҳалламизда 5554 нафар турли миллат вакиллари ахил, тинчлик-тотувликда, бир оила фарзандларидек ўзаро келишиб, ҳамкорликда яшаб келмоқдалар, — дейди маслаҳатчи Шоиста она. — Яъни 1554 та оила 29 та кўп қаватли уйларида истикомат қилади. Маҳалла фуқаролари йигини раиси Тама-ра Бочкарева, хотин-қизлар комиссияси раиси Замира Эгамбердиева ва фаоллар фуқаролари кўлаб-қуватлаш, ижтимоий химоя қилиш, ёшларни касб-хунар-га йўналтириш, хусусан «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси бўйича ўтказилган ҳар бир тадбир, учрашув ва суҳбатларни режага мувофиқ, ўзаро маслаҳатлашиб ўтказиб келмоқдамиз. Мен ўз вазифадан келиб чиқиб айтганда бўлсам, оилалар тинчлиги, хотир-жамлиги, ёшларнинг турли

ноқонуний ишларга, диний экстремизм каби ёт гоғлар домига тушиб қолмаслиги, жиноятчилик ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, воғга етмаган ўсмир-ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни тўғри йўлга бошлаш, ҳаётда адашишларига йўл қўймаслик асосий ишларимиздан саналади. Ўзим 1978 йилдан бери шу маҳаллада муқим яшаб келганим боис ҳар бир фуқаро ва ёшлар кўз ўнгимда, уларни таниман, оилавий ахволларидан мунтазам хабардорман. 2005 йилдан бери маслаҳатчи бўлиб ишлаб келаётган бўлсам, ўтган вақт ичида ҳар бир оилга кириб бордим, ёшларнинг вақтида мактабга боришлари, бўш вақтларини қандай ўтказаяётганлари ҳам менинг эътиборимда. Бундан ташқари ўсмир қизларнинг тарбияси, кийиниш одоби,

касб-хунарга йўналтириш, ёш аёлларни уйда ўтириб бекорчи нарсаларга чалиб қолмаслиги, касаначилик бўйича ишга жойлашиб фойдали меҳнатга жалб этиш бўйича ҳам мунтазам иш олиб бораман. Ёки аёлларни тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича қилинадиган ишларга тўхта-ладиган бўлсам, бунда биз ҳудудимиздаги 39-оилавий поликлиника шифокорлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз. Турли соҳа шифокорлари билан учрашувлар ташкил қилиб, аёлларимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиб, керакли маслаҳатларни беришга ҳаракат қиламиз. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, ётуғлик бўлиб қолган беморларнинг уйларига бориб йўқлаймиз. Илҳом даражасида моддий ва маънавий кўмак беришга интиламиз.

Рамазон хайити муносабати билан ҳам кесалар, касалар ва ногиронларни соғалом билан йўқладик. Яқинда ҳудудимиздаги ташландиқ бир майдончада эса «Болалар майдонча-си — мўъжазгина бог 1-Педагогика коллежи жамоаси, талаба-ёшлари ёрдами билан қад ростлади. Шинам, ораста, чиройли богда болаларимиз бугун яйраб ўйнаб, дам олишмоқда. Маҳалламизда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, соғлом ўсиши учун маълум даражада шароит яратилган. Шахмат-шашка тўғраги, 500 дан ортққ адабиётлар жамланган кичик бўлсада кутубхона мавжуд бўлиб, ёшлар хоҳлаган вақтларида улардан бемалол фойдаланадилар. «Футболимиз келажик» деб номланган футбол жамоамиз ҳам муносаба-қаларда ўзига муносиб тар-

зада ўринларни эгаллаб келмоқда. Маҳалламиздаги олти-та уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ҳар бир кўп қаватли уйлар-қандай барча муаммо ва камчиликларни биргаликда ҳал этамиз. Аҳолининг бизга қилган муносабати беътибор қолмагани учун ҳам улар қандай муаммо юзага келмасин, аввало биринчи навбатда маҳаллага чиқишади. Биз ҳам уларнинг мана шу ишончига муносиб жавоб бериш учун мураккаб вазиятларда ҳам барчасини ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Аҳоли вақтда кузги-кишки тайёргарлик ишлари долзарб бўлганлиги учун асосий эътибор шунга қаратилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки бугун ўсиб келаётган ёшларга ҳавас қилиш керак. Уларнинг таълим-

тарбияли, одоб-ахлоқли, биллимли, соғлом бўлиб воғга етишлари учун Президентимиз бошчилигида жуда катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Биз Юр-тбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини ўқиб ўзимиз учун бир олам маънавий озиқ олдик, фарзандларимизга ҳам ўқиб бердик. Ёшларимиз билан учрашувлар ўтказиб ўшбу асарнинг мазмун-моҳиятини тушутириб бермоқдамиз. Максадимиз ёшлар ҳам уларга берилган юксак эътибор ва ғам-ўрликни чуқур англаган ҳолда озода ва обод Ватанимизга муносиб ворис бўлиб воғга етсинлар. Маслаҳатчи опанинг бир шингил иш фаолиятдан бохабар бўлиб, дилимиз яйради. Демак ўз ишини пухта билишга интилайётган куйинчак ходимлар бор экан келажикимиз эгалари бўлган ёшлар тарбияси ишончли қўларда.

**Шахризода ЮСУПОВА СУРАТЛАРДА: «Накқошлик» маҳалласи ҳаётдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар**

# Сўраш, жавоб берамиз

Кафиллик шартномаси қандай тузилади? Унинг мажбурият ва жавобгарликлари ҳақида тушунча берсангиз.

**Н.Пўлатова, Чилонзор тумани**  
**Ушбу саволга Яқкасарой тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус (ҳуқуқшунос) Саида Максудова куйдагича жавоб берди.**  
 Кафиллик азалдан мавжуд тушунча бўлиб, кафиллик шартномаси кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб бериши зиммасига олади. Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин. Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Дейлик, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар. Агар қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши ва бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмида жавоб беради. Шунингдек, фозилар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чикимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида қарор қўрган бошқа зарарларни тўлайди. Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргаллашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар. Мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олвучи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмида қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмида ўтади. Кафил кредиторга тўланган суммага фозилар тўлаши ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан қўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли. Кафиллик мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабини тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва бу талабини таъминлайдиган ҳуқуқларини бериши шарт. Ушбу моддада белгиланган қоидалар агар қонунда ёки кафилнинг қарздор билан шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўлланилади.

**Қонун ҳужжатларида ворислик ҳуқуқи қандай амалга оширилади? Ворислик ҳуқуқининг тартиби бўйича тушунча берсангиз.**

**Д. Камарова, Миробод тумани**  
**Ушбу саволга М.Улуғбек тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азиз Низомов жавоб беради.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1112- моддасида белгиланганидек, ворислик ҳуқуқи қонун ва васиятнома бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик мавжуд бўлмаса ёки бутун мероснинг тақдирини белгиланган амалга оширилади. Демак, фуқаро вафот этиб, унинг ўлими кунинда унга эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат асосида тегишли бўлган мулкка нисбатан мерос очилади. Ворислик нотариал тартибда тасдиқланганлиги сабабли, нотариус биринчи навбатда вафот этган фуқаро ўз номидан ўзининг мулкка васиятнома қолдирган ёки қолдирмаганлигини текширади.

Васиятнома мавжуд бўлса, мерос қолдирувчининг ушбу васиятномада белгиланган мерос хоҳиш-иродаси амалга оширилади. Агар васиятнома мавжуд бўлмаса, ворислик қонун бўйича ҳал этилади. Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган бешта навбат тартибда чақириладилар.

Биринчи навбатдаги меросхўрлар таркибига болалари, эри ёки хотини ва ота-онаси қиради. Иккинчи навбатдаги меросхўрларга мерос қолдирувчининг ака-укалари, опа-сингиллари, ота-онаси тарафдан бобоси ва буvisи тенг улушларда меросхўрлар бўлади. Кейинги навбат бўйича мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси қиради. Тўртинчи навбатдаги меросхўрлар таркибига мерос қолдирувчининг олтинчи даражага бўлган бошқа қариндошлари ва бешинчи навбатга мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари қиради. Шунини айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142- моддасига кўра, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар мерос қолдирувчининг воғга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри ёки хотини ва ота-онаси, қонун бўйича ворис бўлганларида уларнинг ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг қамиди ярмини мерос қилиб олади.

Васиятномага тўхталадиган бўлсам, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120- моддасига кўра, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эълон этилади. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан васият қилаётган пайтда ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Эътибор берган бўлсангиз, васиятномани расмийлаштириш чоғида мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилмайди, аксинча умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома тузишда ўз мулкни, яъни уй-жойини бошқа шахсга беришга ушбу мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати бўлиши лозим. Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномани бекор қилиши ёки ўзгартириши талаб қилган тараф эса бунинг сабаблари ва асосларини кўрсатиши шарт.

## Анжуманлар

### БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИ ОШМОҚДА

**БУГУНГИ КУНДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, БУ БОРАДА МАҲАЛЛАЛАРДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ФУҚАРОЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Хусусан Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими фаолияти билан яқиндан танишиш давомида жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимларида Оила ва хотин-қизлар йўналиши бўйича бош мутахассис лавозимида ишлаётган ходимлар иши билан қизиқдик.

— Бош мутахассисларнинг иш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув семинарлари 2007 йилдан бошлаб «Маънавият асослари», «Миллий ғоя ва мафкура» тарғиботи, «Бугунги кунда маслаҳатчи аёллар олдида турган долзарб вазифалар» каби қатор мавзуларда ўтказилиб келинмоқда, — дейди фикримизга янада аниқлик киритиш учун ҳамсуҳбат бўлган жамғарманинг шаҳар бўлими етакчи мутахассиси Умидахон Дўстмухамедова. — Бундан ташқари «Маҳалла зиёси» Республика ўқув-услубий марказида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти» юзасидан ўқув-семинарлари ўтказилди.

Шунингдек 2008 йилдан бошлаб учта гуруҳга ажратилган ҳолда жами 58 нафар диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар шаҳар Маънавият-тарғибот маркази қошида фаолият юритаётган «Маънавият хазинаси» малака ошириш курсида ўқитилди. Ушбу ўқув курслари биринчи босқич ҳисобланиб йил охирига қадар қолган маҳаллалар маслаҳатчилари ҳам ўқитилиб, малакаларини ошириш режаланган.

— Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, — дея суҳбатни давом эттирди Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви раиси Жамолиддин Шоҳимов, — фуқаролар йиғинлари таркибидеги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш учун 2008 — Ёшлар йилида Юнусовод, Ҳамза, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек, Бектемир, Яқкасарой туманларидаги маҳаллалар фаолияти ўрганилди. Яқши ишлар рағбатлантирилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда 11 та туманда фаолият олиб бораётган бош мутахассисларнинг барчасига иш шартлари яратилган бўлиб, зарурий жиҳозлар билан таъминланган.

Эътиборлиси шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ўз иш фаолиятини шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ЕИХ, Маънавият тарғибот марказининг шаҳар кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Қизил Ярим Ой» жамиятининг шаҳар бўлими, «Оила» ва «Саломатлик» марказлари, «Нутрилак», «Нестле» каби бир қатор компаниялар билан ҳамкорликда олиб боради.

— Бундан кўзланган мақсад, — дейди Жамолиддин Шоҳимов, — шахримиз маҳаллаларидаги оилаларни мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ахримларнинг, суқмас ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар тарбияси борасида ҳамкорликда кенг қамровли, режалли ишларни олиб боришдир.

(Ўз мухбиримиз)

## Туманларда

### ЮРТ ИСТИҚБОДЛАРИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВ БОШЧИЛИГИДА МАҲАЛЛАЛАРИНИ МАВЖИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, ЙИЛЛАР ДАВОМИДА САЙҚАЛ ТОПИБ КЕЛАЁТГАН ИБРАТЛИ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ, ТАРФИЙ-ТАШВИҚ ЭТИШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

ла» жамғармасининг туман бўлими раиси Холхўжа Умаров. — «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси ҳамда алоҳида курсатиб ўтилган банди юзасидан тумандаги тарбияда озгина оқсаётган болалар билан ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллалардаги диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, сардорлар улар билан доимо мулоқотда, иш ва ўқишларидан хабардор бўлиб турадилар. Бу борада барча умумтаълим муассасаларида «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлик маркази ташкил этилган, «Бир болага етти кўшни ота-она» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинади. Масалан «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида «Ўзгариш», «Чоштепа», Амир Темур, «Тинчлик», «Гулистон», С.Рахимов, Бобур маҳаллаларида «Балогат даври» деб номланган ўқув соғломлаштириш анжуманлари ўтказилди, қатнашчиларга мавзу доирасида эслатма китобчалари тарқатилди. Ушбу тадбирларга 1471 нафар воғга етмаганлар қамраб олинди.

Шунингдек, «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғида 15 нафар ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар жиоси» мавзусида расмлар қўрик-танлови ўтказилди. «Келажак овози» танлови доирасида фаол ёшлар ва танкили ижод намояндларининг маҳсу маданий-маърифий чиккишлари, «Биз — Ўзбекистон ёшларимиз», «Биз — бир жамоамиз» шиорлари остида фото ва бадийий қўргазмалар, «Фарзандларимиз, ёшларимиз

ўрганишига, 18-35 ёшдаги 20 нафар ногиронни квоталанган иш ўрнига касаначилик бўйича ишга, Куролли Кучларда хизмат қилиб қайтган 50 нафар ёшлар хоҳишлари бўйича иш ва ўқишга жойлаштирилди. Бугунги кунда Ш.Бурхонов маҳалласида миллий хунармандчилик, тикувчилик, накқошлик, «Ўзгариш» маҳалласида зардўзлик, «Бахор» маҳалласида камар ишлаб чиқариш, «Шерматов» — юмшоқ ўйинчоқлар тикиш ва тўкиш бўйича «Уста — шоғирд» анъанасидан кенг фойдаланилмоқда.

— «Маҳалла» жамғармаси томонидан ёшлар ҳамда катталарнинг баъзи касб-хунар ўрганишлари, баъзи саломатликларини тиклашлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш бўйича ҳам мунтазам иш олиб борилади, — дея фикрини давом эттирди Холхўжа Умаров. — Бу борада шаҳар ва туман соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилади. «Ўзгариш», «Чоштепа», «Тинчлик», «Гулистон», «Ал-Фароний» каби бир қатор маҳаллаларда бўлиб ўтган анжуманлар, «Соғлом оилани шакллантириш — келажакимиз гарови» каби тадбирларнинг мазмун-моҳияти барчага бирдек маъқул бўлиб, иштирокчилар томонидан кўлаб-қувватланди. Яқинда тумандаги «Оила» марказида «Қайноналар мактаби» семинар-тренинги бўлиб ўтди. Кейинги вақтларда никоҳдан ўтаётган ёшлар ўртасида ўтказилаётган «Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарари»,

«Соғлом она — соғлом фарзанд», «Никоҳдан олдин келин-куёвларнинг тиббий кўригининг зарурияти ва аҳамияти», «Эрта никоҳнинг зарари», «ОИВ / ОИТС касаллиги ва унинг профилактикаси» мавзусидаги суҳбатларнинг самараси катта бўлмоқда.

Шунингдек ёшларнинг мазмунли дам олишлари ҳам ҳисса қўиши мақсадида 100 нафар талаба ва ишлайдиган ёшларнинг корхоналар, ташкилотлар ҳамда ўқув муассасалари санаторийларида, меҳнат қилаётган 200 нафар ёшларни Касаба уюшмалари Федерацияси кен-

гаши санаторийлари ва оромгоҳларида дам олишлари, 200 нафар боланинг эса ёз фаслида соғломлаштириш мақсадида турли спорт муносабақаларида қатнашишлари эришилди. Ёш оилаларга имтиёзли истеъмол кредитини олишларида, турмуш шартларини яхшилашда, ўқишни тамомлаган «Меҳрибонлик» уйлари битирувчиларини оилавий турар жой билан таъминлашда, кам таъминланган оилаларнинг суннат, никоҳ тўйлари ва оилавий тантаналарида иштирок этишда ҳам «Маҳалла» жамғармасининг муносиб ҳиссаси бор. Жамғарма томонидан ўтказилиб келинаётган «Энг намунали ёш оила», «Ёш оилаларни ижтимоий кўлаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» каби танловлар ҳар бир қилинаётган ишнинг ижросида муҳим оҳим бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда бўлса миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, ёш авлод-ни барқамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар онги ва қалбига эзгулик, баррикенглик, меҳр-мурувват каби олижаноб туйғуларни синдиришда маҳаллаларнинг ўрни ва «Маҳалла» жамғармалари томонидан олиб борилаётган хайрли ишларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Шундай экан шахримизнинг 11 та туманида фаолият олиб бораётган «Маҳалла» жамғармаларида фаолият олиб бораётган жонқуяр ходимларнинг ишларида унум ва барака, туганмас куч-ғайрат тилаб қоламиз. Зеро ҳар томонлама қомил ёшлар — эртасимиз эгалари, юрт истиқболдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

